

**МУАЙЯН ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА  
БЎЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10308247>

**Гадоймиров Бекзод Обиджон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*

*ўқитувчиси, капитан.*

**Аннотация.** *Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг ижтимоий муносабатлар жараёнига таъсири, уларнинг тушунчаси, тавсифи, шунингдек давлатнинг ижтимоий бошқарув жараёнига ва жиноятчилик ҳамда криминоген жараёнларда тутган ўзига хос ўрни ва таъсири ҳақидаги таҳлиллар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Уюшган жиноятчилик, жиноий муҳит, ижтимоий жараён, ишсизлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тиланчилик, моддий ёрдам, ҳуқуқбузарлик.*

Ҳар қайси давлат ўзи учун маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Яъни давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат тузилмаларига ўтказиш асосий принцип деб белгиланади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйиши, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалланинг давлат бошқарувидаги ролини оширишни талаб этади.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, шахсларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактика-касининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муам-моларнинг илмий ечимини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Маҳалла институтини ривожлантириш, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади”, - деб таъкидлаб, унинг ролини ошириш муҳим эканлигини кўрсатиб ўтди.

Дарҳақиқат, ислохотларнинг бугунги кунги босқичида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар республикамиздаги кўплаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишга имкон берди, аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки жамиятда содир бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг туб сабаблари ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келаётган муаммолардир. Албатта бунда оиладаги муаммолар,

яъни биринчидан, моддий қийинчиликлар, иккинчидан, оиладаги ички салбий муҳитнинг мавжудлиги (гиёҳвандлик, сурункали ичкиликбозлик), учинчидан, оилалардаги низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги ва бошқаларни келтириш мумкин[1].

Таъкидлаш лозимки, жамиятда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар пайдо бўлиши, биргина шахсдаги ғайриижтимоий хулқ-атвор эмас, балки жамиятдаги айрим адолатсизликлар, давлат бошқарув соҳасидаги, шунингдек, уюшган жиноятчилик ва бошқа шу каби ижтимоий хавфли бўлган воқе-ҳодисаларнинг олдини олишдаги камчилик ва муаммолар билан ҳам боғлиқдир.

Жамиятдаги ҳар қандай салбий-ижтимоий иллат ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан зарурий таъсир кўрсатиш усули ишлаб чиқилиб амалда қўлланилиши ва синовдан ўтказилиши керак. Шу боис муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан ишлашнинг ҳам аниқ йўналишлари, усул ва шакллари тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари айрим шахсларнинг ижтимоий фойдали меҳнат қилиш истагининг йўқлиги, боқимандалиги, енгил ҳаёт кечиршига бўлган истакларининг кучлилиги ҳам улар томонидан ўз мол-мулкларини сотиб юборишига олиб келади ва натижада уларнинг ҳам муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс пайдо бўлишига олиб келади.

Юқоридаги омиллардан фарқли ўлароқ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи энг хавфли кўринишдаги сабаблардан бири аҳоли, айниқса вояга етмаган ва ёшлар орасида сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг тарқалишидир.

Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган эркин демократик давлат қуриш йўлидаги ислохотлари биринчи навбатда жамият аъзоларининг тинчлигини таъминлаш, уларнинг эркин яшаш шароитини яхшилашга қаратилгандир. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини янги давр талаблари асосида шакллантириш, ҳамда шахс маънавиятида юзага келадиган турли иллатларни юзага келтирмаслигини таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.

Шахснинг ўзлигини йўқотиши ёки ундаги ишەқмаслик хусусиятларининг пайдо бўлиши қуйидаги салбий ҳолатларни содир этилишига олиб келади:

- фуқаролар, айниқса вояга етмаганларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши;
- шахс ўзлигини йўқотиши;
- уюшган жиноятчилик, фирибгарлик, ўфрилиқ, босқинчилик, талончилик каби жиноятларнинг кўпайиши;
- хавфли юқумли касалликлар тарқалиши;
- аҳолида жамиятга зид қарашларнинг пайдо бўлиши.

Таъкидлаш лозимки, шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардан бири бўлган сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик бугунги кун

муаммоси ҳисобланиб, уни олдини олиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этади.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик олдини олишда профилактик фаолиятни ташкил этиш жараёнида, биринчи навбатда унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик салбий иллатлардан ҳисобланиб, жамият ҳаётига ижтимоий хавф солиб кўп зарар етказадиган офатдир[2].

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик шахсларнинг психикасига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. У инсондаги меҳнат қилиш қобилиятини йўқотади, соғлигига путур етказди ва энг ёмони уни жамиятга зид хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, айрим ҳолларда эса жиноятлар содир этилишига олиб келади.

Сурункали спиртли ичимликларга ружу қўйиш деганда шахснинг спиртли ичимликлар ( ароқ, коньяк, вино ва бошқалар)га муккасидан кетиши, ичмасдан туролмаслиги ва унга физиологик боғланишини тушунамиз. Ушбу иллатни олдини олиш учун биринчи навбатда шахснинг нима сабабдан спиртли ичимликларга боғланишини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ана шу сабабларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Гиёҳвандлик - юнонча “наркотикос” сўзидан олинган бўлиб, маъноси бир лаҳза бўлса-да ҳаёт ташвишларидан, муаммоларидан йироқлашиш, ёки физиологик роҳатланиш хоҳишидир деган маънони билдиради.

Гиёҳвандликка чалинган шахслардаги бўладиган салбий ўзгаришлар асосан гиёҳванд моддалар (наша, қора дори, героин, кўкнори, опиум, феномин ва бошқалар)ни истеъмол этиб кўрганидан сўнг, бу моддаларни истеъмол этмасдан тура олмаслик унга рўжу қўйишни тушунамиз, яъни физиологик ва психологик боғланишни тушунамиз.

Ушбу моддаларни истеъмол этиш усуллари турлича, масалан чекиш, ичиш ёки игна орқали (инъекция) орқали томирига юбориш, бурун орқали ҳидлаш ва ҳоказо. Гиёҳвандликка мубтало бўлган шахсларни даволаш биринчидан катта маблағни талаб этса, иккинчидан қийин даволанади, учинчидан шахснинг иродаси билан боғлиқлигидир. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи шахс ишлаш қобилиятини йўқотади, оила қуролмайди, оила қурса ҳам фарзандлари ногирон туғилади, ижтимоий жиҳатдан фойдали ишларни бажаролмайди. Шахснинг психикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлади;(шахс ўз ҳаракатларини англаш қобилиятини йўқотади, пул топиб гиёҳванд моддаларни сотиб олишга эҳтиёжи ортади) ва натижада у жиноят содир этади, айрим ҳолларда қотиллик жиноятларни ҳам содир этади. Ҳар бир гиёҳванд бошқа шахсларни бу ишга жалб қилишга ўз ҳиссасини қўшади.(ўрта ҳисобда ҳар бир гиёҳванд бир йил ичида 7-8 кишини бу ишга жалб қилади). Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишига қарши кураш олиб боришимиз

учун биз биринчи навбатда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг мотивларини аниқлаб олишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу нарсани таассуф билан айтиш керакки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларнинг деярли 80% ни вояга етмаган ёшлар ташкил қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган салбий иллатлар жамиятга жуда катта зарар етказди, фуқаролар аниқса вояга етмаганларнинг жалб этилиши жамият ҳаётида хавфлидир. Шунингдек, ушбу модда ва воситалар таъсирида жиноятларнинг содир этилиши ўта хавфлидир. Кўплаб оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига олиб келади, жумладан ўзганинг мулки талон-тарож қилиниши, ўғрилик, босқинчилик, қотилликлар.

Сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка олиб келувчи шахсий омиллардан ташқари ижтимоий муаммолар ҳам мавжуд. Буларга биринчидан, мамлакатимизда эркин бозор муносабатларига ўтилиши, ишчи ўринларига бўлган рақобатнинг кучайиши натижасида аҳолининг кўпчилик қисмининг ишсизлиги даражасининг ошиб кетишидир, иккинчидан, наркобизнес орқали даромад ортиришга мослашган уюшган жиноий гуруҳларнинг бу ҳолдан фойдаланишга интилиши, яъни бекорчи қолган аҳоли қисмини гиёҳвандликка ўргатиш, бунинг орқасида ўзининг гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш ва катта даромад ортиришга интилишидир, чунки улар гиёҳвандликка қанча кўп одамлар мубтало бўлса шунчалик кўп фойда оладилар.

Юқоридаги таҳлиллар қўйидаги соҳалардаги камчилик, сабаб ва шароитлар бундай иллатларнинг вужудга келиши ва кўпайишига олиб келаётганлиги тўғрисида хулосалар чиқаришга асос бўлмоқда:

- ижтимоий-иқтисодий соҳадаги камчиликлар (17 фоиз);
- фуқароларнинг маънавий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясидаги камчиликлар (48 фоиз);
- ташкилий ва бошқарув соҳасидаги камчиликлар (14 фоиз);
- меҳнатга боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш йўлидаги камчиликлар (10 фоиз);;
- давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликлар (11 фоиз); (2-илова).

Хорижий давлатларнинг мазкур йўналишдаги таҳлили АҚШда оилаларнинг иқтисодий инқирози 9 фоиз ҳолатда шахсларнинг яшаш жойидан маҳрум бўлишга олиб келганлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари уй-жой қурилиши қонунчилигининг мураккаб нормаларга асосланганлиги натижасида арзон турар-жойларни қуришни қийинлаштириши, шунингдек боларар уйларида тарбияланаётган болаларнинг яримдан кўпи 18 ёшга тўлгандан сўнг уйсиз тоифага айланишади. Табиий офатлар натижасида ҳам айрим ҳолатларда уйсизлик юзага келиши кўзатилади[3].

Таҳлил қилинган омиллар эса жамиятда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг пайдо бўлиши йўл очиб беради. Шу билан бирга жиноятларнинг оғир

турлари, хусусан уюшган жиноятчилик, фирибгарликларнинг содир этилиши оқибатида айрим ишонувчан, содда ва ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган шахсларнинг уй-жойсиз қолиши, уларни ҳимоя қиладиган масъул ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Юқорилдагилар таҳлилларга асосланган ҳолда иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахсларнинг жамиятда бўлишини тақозо этувчи омилларни қуйидаги 3 та гуруҳ бўлиб таснифлаш мумкин:

– маънавий омиллар (алкоголь, гиёҳвандлик ва захарвандликка берилиш);

– тизимдаги камчиликлар билан боғлиқ омиллар (иш жойларининг етишмовчилиги, маиший омилларни бартараф этишга етарли бўлган иш ҳақининг мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги);

– касаллик билан боғлиқ омиллар (инсон онгида руҳий бузилишларнинг натижаси масалан, АҚШда 1950-196 йилларда давлат томонидан руҳий касалликлар шифохоналари таъминланмай қўйилганлиги оқибатида ҳали-ханузгача уйсизлар бу тоифа шахсларнинг ярмидан кўпини ташкил этмоқда);

- ижтимоий омиллар (ишсизлик ва камбағаллик).

Хулоса қилиб айтиш лозимки, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг пайдо бўлиши омиллари, хусусан, сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий, бошқарув соҳасидаги муаммоларни тугатиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муродов А.Ш., Оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштириш. ю.ф.б.ф.д. дисс.–Т.: 2018. 54-100 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни// URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);

3. Бездомные в США // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Бездомные\\_в\\_США](https://ru.wikipedia.org/wiki/Бездомные_в_США).

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликни фош этишда тезкор ходимларнинг терговчи ва суриштирувчилар билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 156-164.

5. Таштемиров А. А. Техник криминалистик экспертиза - ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг асосий омили сифатида //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 12-19.

6. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фoш этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

8. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

9. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

10. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

11. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

12. Таштемиров А. КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ШАКЛЛАНИШ ДАВРЛАРИ //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 133-139.